







Бугун — Алишер Навоий таваллуд топган кун

# “Дехқонки дона сочар...”

олинмаган.  
**Кимки дехқонлиг айлади пеша, Даги нон бермак ўлди анга шиор. Буйла кимса улуви рифъатдин, Одам ўлмаса, одамий худ бор.**

Яъни, кимки дехқончиликни касб қилган бўлса, унинг иши ризқ-насиба улашмоқдир. Бундай кимсанинг даражаси юксаклиги Одам Аточа бўлмаса-да, одамгарчилиги бор.  
Дехқон қўши ва ҳўкизи билан қудратлидир. Ҳўкизи дехқоннинг “хамдам ва ҳамқадами”, ўзи эса уни ишга солиш ва бўйсундиришда Одам Атони эслатади.  
Навоий таъбирича, оламнинг ободлиги, меҳнат ахлининг шодонлиги дехқонлар туфайли. Дехқон ўз саъй-ҳаракати орқали эл маъмуриликни таъминлайди, юртва кут-барака келтиради.  
Дехқон меҳнатидан ердаги курт-

қумурқалардан тортиб осмондаги қўшларгача, чумолидан катта-кичик жониворларгача барчаси бирдек баҳраманд бўлади. Ёки “Уроқчининг тирикчилиги шунинг орқасидан: бошқонининг кўзи тўқлиги шунинг орқасидан. Кўшчининг ундан муроди ҳосил, сомончи ундан муродга восил. Гадоийлар у билан тўқ; хонадон эса маъмур. Мусофирга таом шундан; муковирга ком ундан. Новвойнинг тандири у билан иссиқ; аллоф-унфурушнинг бозори у билан қизик. Фуқаронинг ризқ-рўзи, гарибларнинг қўч-қуввати дон биландир. Уни еган захид зухур билан тоат қилади; у билан тўйиб олган обид қаноатлилиги ҳақида лоф уради. Дон туфайли гадоий халтаси бурда нонга тўла. Шоҳ хазинаси эса дон орқасидан инжу ва олтинга бой”.  
Дехқон ва унинг меҳнати мавзусига Навоийнинг бошқа асарларида ҳам кенг ўрин берилган. Жумладан, шоир “Хайрат ул-аббор” достонида дехқончилик масъули-

яти ҳақида сўз юритиб, жамиятни боқиш, ерни янада кўркамлаштириш, турли касб эгаларига ижодий кайфият бағишлаш вазифасини зиммасига олган дехқон ўз ишга масъулият билан ёндашиши, гафлатда қолмаслиги, доимо сергак ва хушёр бўлиши зарурлигини қайд этади. Бобгон ёки дехқон эккан кўчати ёки экинчи туну кун парвона бўлса, асраб-авайласа, меҳр берсагина кўзлаган натижасига эришади. Акс ҳолда, у эккан дарахлар ўтинга айланади, чамани эса қурийди.  
Шоир дехқончилик билан шуғулланишни ихтиёр этган киши ҳалоллиқни ҳам касб қилиб олиши зарурлигини алоҳида уқтиради. Чунки ҳалоллик бор жойда барака бўлади, ишлар бароридан келади. Зўрлик, нопоқлик эса муваффақиятлар йўлини тўсади. Ёмон ниятда бошланган ишнинг охири бахайр бўлмайди.  
**Экса гани тўхм, қилиб элга зўр, Тўхмини тороқ қилур хайли мўр.**

Алишер НАВОИЙ

## «NON ХИДИ»

Дехқонки, дона сочар, ерни ёрмоқ била ризқ йўлини очар. Асар ростлик ва салоҳи бордур, ўши Салоҳ ноқасидин намудордур. Қўши ҳам икки зўр нахлавон, юкиса буюн сунуб олдиди равон; иш қилурда ҳамдам ва ҳамқадам, дехқон аларни суради андоқки Одам. Олам маъмурилик аладин, олам аҳли масрурилик аладин. Ҳар қаён қилсалар ҳаракат, элга ҳам қўт еткурур, ҳам баракот.  
Дехқонки, тузлук била дона сочар, ҳақ бирига етти юз эшигин очар. Сочқон дона кўкарғунча, зўрб хирмон қилиб, маҳсулин кўтарғунча қурту қуш андин баҳраманд ва дашт ваҳши анинг била хурсанд. Мўрлар уйи андин обод ва зўрлар хотири анинг била шод. Кабултарлар андин мастлик, тўрайларга андин нишотга ҳамдастлик. Уроққича андин рўзи, бошқонининг ёруб андин кўзи.  
Барзагарга андин ком ҳосил, пуштакашига андин мурод восил. Гадо андин тўқ, қаҳудо тўқлуги ҳам андинқ. Мусофирга андин таом, муковирга андин ком. Итмақчи танури андин қизик, аллоф бозори ан-

дин иссиқ. Фуқаро ризқи вофий, гурабо қути андин кофий. Зоҳидга андин хузур тоат, обидга андин лофи қаноат. Соил харитасида андин муҳайё ақтои, шоҳ хизонасида андин бахру ком матои.  
Дехқоннинг бир дона сонарида бу ҳолдур, ўзга ишлари тарфири маҳолдур.  
Боғи жаннатдин намудор, ползиди руҳ қути пади-дор. Ашкорининг ҳар бири чархи асхар, ул шажар ва раёдин ва фавоқиси нуҷум ва ахтар. Фуқаро сирка ва душоби андин, анғи нуқду майи ноби андин.  
Гуноқон фавоқисиз билаким богда тазийн, чаман мулкада боганил таъбия ва ойин.  
Мундоқ киши керакки, бухсдин муарро бўлса ва кизбу имсоқдин мубарро. Шоҳ молин берурдин ибо қилмаса ва забун шерикка жафо қилмаса, то доноси дурри саодат бар бергай ва тўхм сочиб, анжуми улуви рифъат тергай. Мундоқ дехқон Одамнинг фарзанди халафидур, балки марзқлар анга фарзанд ва ул Одами сафидур.

## «НОН ХИДИ»

ёки навоийхон болажонлар

**Ривоят қилишларича, бир кунни Хусайн Бойқаро вазирларини хузурига чақириб: — Дунёдаги энг хушбўй нарсани келтиринг, — дебди.**

Вазирлар бир даста гул олиб келишибди. Бойқарога ёқмабди. Қалампирмунчоқ келтирибди. У ҳам ёқмабди.  
— Уч кун ичида топмасангиз барчангизни жазолайман, — дебди у.  
Вазирлар Навоийдан маслаҳат сўрабдилар. Навоий узок

ўйлаб, дехқон бободан маслаҳат сўрашни лозим топибди.  
— Янги ёпилган нон олиб боринглар. Отам раҳматли дунёдаги энг ёқимли ва лаззатли хид қайроқи бугдойнинг ундан ёпилган тандир нон, деган эдилар, — дея маслаҳат берибди дехқон бобо.  
Навоий хурсанд бўлиб бир саваб янги ёпилган нонни саройга олиб борибди. Бир зумда саройга ажиб ёқимли хид тарқаб, барчанинг дили яйраб кетибди.  
— Раҳмат, дўстим, — дебди Хусайн Бойқаро нонларни



(Боши 1-саҳифада)

“Махбуб ул-қулуб” уч қисмдан иборат. Биринчи қисм ҳар хил одамларнинг феъл-атвори ва ахлоқи, иккинчи қисм яхши феъл хосияти ва ёмон хислат касофати, учинчи қисм турли фойдалар кузатишлар ва мисоллар ҳақида. Дастлабки қисм қирқ фаслдан иборат бўлиб, унда ижтимоий табақаларнинг жамиятда тугган ўрни ва вазифаси ҳуусида сўз юритилади.  
Навоий турли касб-кор ва ҳунар эгалари ҳақида тўхталар экан, уларнинг ҳар бири ўз вазифасига сидқидилдан ёндашиши лозимлигини уқтиради.  
Шоирнинг дехқон меҳнати, бу меҳнатнинг ўзинга ҳосиллигига доир фикрлари, айниқса, диққатни тортади. “Дехқонки дона сочар, ерни ёрмоқ била ризқ йўлини очар”, деб ёзади у. “Махбуб ул-қулуб” да ҳеч бир ижтимоий табақа ёки касб-кор дехқон ва дехқончиликдек эҳтирс билан тилга

Сурхонгарё Вилояти



## ЖУРНАЛИСТИКА СОҲАСИДА “ОЛТИН ҚАЛАМ” V МИЛЛИЙ МУКОФОТИ

Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси Журналистларни қайта тайёрлаш халқаро маркази билан ҳамкорликда миллий ва халқаро журналистиканинг энг юксак ютуқларини кенг омаллаштириш, ОАВ ходимлари фуқаролик позициясини намоян этишлари учун шароит яратиш ҳамда журналистларда танқидий фикрлашни ва ижодий фаолиятга янгица ёндашуларини шакллантириш мақсадида “Олтин қалам” V Миллий мукофоти учун халқаро танловини ўтказди.  
3 май — Жаҳон матбуоти эркинлиги кўнига бағишланган бу танловга 2009 йилнинг 31 мартдан 2010 йилнинг 31 мартгача — бир йил давомида газета ва журналларда босилган, радио орқали эфирга узатилган ҳамда телевиденида кўрсатилган ва интернет нашрларида берилган материаллар 2010 йилнинг 10 апрелигача қабул қилинади.  
ТАНЛОВ ГОЛИБЛАРИ УЧУН ҚУЙИДАГИ МУКОФОТЛАР ТАЪСИС ЭТИЛГАН:  
Журналистика соҳасида бош миллий мукофот. Ҳали махсус диплом, “Олтин қалам” кўрак нишон, статуткаси ва энг кам иш ҳақининг 120 баробари миқдорда пул мукофоти билан тақдирланади.  
АСОСИЙ МУКОФОТЛАР:  
Энг яхши журналистик материал учун миллий мукофот (телевидение — 1-, 2-, 3-ўринлар);  
Энг яхши журналистик материал учун миллий мукофот (радио — 1-, 2-, 3-ўринлар);  
Энг яхши журналистик материал учун миллий мукофот (даврий матбуот — 1-, 2-, 3-ўринлар);  
Энг яхши журналистик материал учун миллий мукофот (Интернет-журналистика — 1-, 2-, 3-ўринлар).  
Биринчи ўринни олган голиблар диплом, “Олтин қалам” кўрак нишон, статуткаси ва энг кам иш ҳақининг 160 баробари миқдорда пул мукофоти билан тақдирланадилар.  
Иккинчи ўринни олган голиблар диплом, “Олтин қалам” кўрак нишон, статуткаси ва энг кам иш ҳақининг 140 баробари

зиётлар, атроф-муҳит ва экология муаммолари) тайёрланган энг яхши репортаж учун;  
- энг яхши режиссёрлик иши учун;  
- энг яхши матбуот хизмати;  
- энг яхши фоторепортаж учун;  
- энг яхши карикатура учун;  
- чет эллик журналистнинг Ўзбекистон тўғрисидаги энг яхши материали учун.  
Рағбатлантирувчи номинациялар бўйича голиблар диплом, статутка ва энг кам иш ҳақининг 80 баробари миқдорда пул мукофоти билан тақдирланадилар.  
Шунингдек, катор халқаро ташкилотларнинг Ўзбекистондаги ваколатхоналари ҳам ўз рағбатлантирувчи мукофотларини таъсис этган.  
Танловга теле-, радио-, босма материаллар ҳамда интернет нашрларида эълон қилинган ишлар тақдим этилади (5 тадан кам бўлмаслиги керак).  
Телевидение бўйича видеоматериаллар, ахборот ташуви воситанинг қандай қилинида бўлишидан қатъи назар, 3 минутдан 30 минутгача бўлиши керак.  
Радиоэшиттиришлар (аудиокассета ёки системали диск) 5 минутдан 30 минутгача бўлиши керак.  
Матбуот ва интернет материаллари даврий нашрнинг асл нусхаси ёки кўчирма нусхасида тақдим этилиши лозим.  
Танловга юборилган материалларга қуйидагилар илова қилинади:  
- муаллифнинг исми-шарофи, профессионал фойлияти тўғрисида қисқича маълумот;  
- муаллифнинг турар-жойи, уй ва иш телефонлари;  
- паспорт нусхаси.



Материаллар “Олтин қалам” танловига деб кўрсатилган ҳолда қуйидаги манзила юнатилиши лозим: Ўзбекистон Республикаси, 100129, Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 30-уй. Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси 3-қават, 30-, 35-, 37-хоналар  
Телефонлар: 244-64-61; 244-64-62; 244-37-87.  
www.Journalist.uz

Танлов голибларини мукофотлаш маросими Жаҳон матбуоти эркинлиги кўни 2010 йил 3 майда тантанали равишда ўтказилади. Мукофот бир шахсга такроран берилмайди.



## СПОРТ

### РАВШАН ЭРМАТОВ ЖАҲОН ЧЕМПИОНАТИГА БОРАДИ!



Улар орасида, ўзбекистонлик Раваҳан Эрматов гуруҳи ҳам бор. Унга ён чизикларда ҳамюртимиз Рафаэль Илёсов ва киргизистонлик Баҳодир Кўчқорлар ассистентлик қилишади. Раваҳан Эрматов жаҳон чемпионати уйинларини бошқаришга тайинланган энг ёш бош ҳакамлардан биридир.  
ФИФА 11 июнь кунини старт оладиган жаҳон чемпионати таъинланган ҳакамларнинг барчаси аъло формада етиб келиши учун комплекс дастурий амалга оширишни эълон қилди. Энди 30 та ҳакамлар триоси келгуси ойда ўтказилаётган ўқув семинарларида иштирок этишади. Май ойида эса кўнун болаҳал ўтказилади ва ЖЧ-2010нинг дастлабки уйинларига ҳакамлар гуруҳи тайинланади.  
Жаҳон чемпионати уйинларини бошқариш учун Осийдан Раваҳан Эрматовдан ташқари яна учта ҳакамлар гуруҳи танлаб олинган. Булар Халил Иброҳим ал-Қалдӣ (Саудия Арабистони), Субҳиддин Мухд Солех (Малайзия) ва Юичи Ниши-мура (Япония) гуруҳларидир.

### ТЕМУР ИБРАГИМОВ WBA ВА IBA INTERNATIONAL ЙЎНАЛИШИ ЧЕМПИОНИ

Москва шаҳридаги Аквариум аренада “Ринг юлдузлари” анъанавий бокс кечаси бўлиб ўтди.



Кечанинг асосий жангида ҳамюртимиз Темур Ибрагимов суперюг вазн тоифаси WBA ва IBA International чемпионлик камарлари учун танзанийлик боксчи Авад Таммига қарши рингга чиқди. 12 раундга мўлжалланган чемпионлик жанги 3-раунддаёқ ҳамюртимизнинг ғалабаси билан якунланди. Темурнинг зарбаларидан сўнг уч бор кетма-кет ноқадун ҳолатига тушган танзанийлик боксчиға жанг рефери сизини нокаут беришга мажбур бўлди.  
Темурнинг ушбу ғалабаси уни жаҳоннинг энг кучли боксчилари каторига қўшади ва суперюг вазн тоифаси ну-

### ПЕНЧАК СИЛАТ БЎЙИЧА ЎЗБЕКИСТОН ОЧИК ЧЕМПИОНАТИ ЯКУНЛАНДИ

Унда республикамизнинг барча ҳудудлари, шунингдек, Қирғизистон ва Озарбайжондан ташриф буорган спортчилар иштирок этишди.  
Мусобақа низомига мувофиқ 14 ёшдан 40 ёшгача бўлган уч юз нафарга яқин спортчи ёшлар ва катталар гуруҳларига сараланган ҳолда голиблик учун кураш олиб борди. Мусобасиз беллашувлар таҳриба ва маҳорат бобида энг кучли саналган пенчак силатчиларни аниқлаб берди. Унга қўра, умумжамоа ҳисобида самарқандлик спортчилар биринчи, пойтахтликлар иккинчи, озарбайжонликлар учинчи ўринга лойик топилди.  
Мусобақа сўнигда голиб ва совриндорлар фахрий ёрлик ҳамда эсдалик совғалари билан тақдирланди.  
Мамадиёр ЗИЁДИНОВ

ООО “ELITE PLAST” (код по ОКПО 21914690) сообщает о своей реорганизации в форме присоединения к ООО “FN ELIT USTO”. ООО “FN ELIT USTO” становится правопреемником всех долгов и обязательств ООО “ELITE PLAST”. Претензии принимаются в течение одного месяца со дня опубликования объявления по адресу: Республика Узбекистан, г.Ташкент, Юнусабадский р-н, ул.Шурата д.13.  
ООО “PARSEK PLUS” (код по ОКПО 21563993, ИНН 206847801) сообщает, что в соответствии с решением общего собрания учредителей от 03.02.2010 г. (протокол № 6) Уставной фонд общества уменьшается до 125 340 625,55 (сто двадцать пять миллионов триста сорок тысяч шестьсот двадцать пять сот 55 тысяча) сум. Претензии принимаются в течение 30 дней со дня опубликования объявления. Тел.: 719-12-14.  
ООО “LOTOS EDUCATION” сообщает об уменьшении Уставного фонда с 5 000 000 сум на 1 900 000 сум. Претензии принимаются в течение одного месяца со дня опубликования объявления. Тел.: 489-01-71.  
СП ООО “ANGRENERGOSVETMET” (код по ОКПО 15752556, ИНН 200598604), расположенное по адресу: Ташкентская обл. г.Ангрен ул.Алломии д.8, сообщает об уменьшении Уставного фонда с 36 343 000 сум по балансу (219 622 доллара США по Уставу) до 21 900 000 сум и о реорганизации в ООО “ANGRENERGOSVETMET”. Правопреемником СП ООО “ANGRENERGOSVETMET” по всем правам и обязательствам является ООО “ANGRENERGOSVETMET”. Претензии принимаются по адресу: Республика Узбекистан, 102500, Ташкентская обл., г.Ангрен ул.Алломии д.8.  
Утөрнөсө свидетелствө (гүвоһна) № 03-01803 (номер реестра 0302536) от 05.11.2008 г., выданное инспекцией по регистрации субъектов частного предпринимательства хокимията Мирзободского р-на г.Ташкента на имя Хусановой Дюхмиля Хайруллоевны (ИНН 600967322), считать недействительным.  
Утөрнөсө бланк лицензия на оптовую торговлю УС № 00481, выданной 28.10.2008 г. хокимиятом Юнусабадского р-на г.Ташкента на имя СП ООО “NASAF OIL DEVELOPMENTS CONSULTING” (ИНН 300863857), считать недействительным.  
Утөрнөсө гос.ордер № 02-02/664 от 29.01.1993 г. права собственности на квартиру на имя Пайзинова Маважудхана, считать недействительным.

## ДИҚҚАТ, ТАНЛОВ!

<b>Бош муҳаррир</b> <b>Чорн ЛАТИПОВ</b>	<b>МУАССИСЛАР КЕНГАШИ</b> Зафар РҲЗИЕВ, Фарход ОМОНОВ, Эрон ҚУДРАТОВ, Раҳимберди БҲРИЕВ, Фуломжон ИБРАГИМОВ, Саид АРАБОВ, Саидмамат САИДЖАЛОЛОВ, Баҳодир АБДУҚОДИРОВ, Илхом ХАЙДАРОВ, Наримон УМАРОВ, Абдураҳман БОЙМУРОДОВ, Муҳаммад ЖУМАГАЛДИЕВ, Садриддин РАСУЛОВ, Виктор ЧУБ, Шухрат ТОШМУРОДОВ, Шухрат НУРМАТОВ, Арифбек АХМЕТОВ, Шакирiddин ЭСОНОВ, Эниевдин ОБИДОВ, Хамиджон УМАРХУЖАЕВ.	<b>ТАХРИР ХАЙЪАТИ:</b> Алғай АДИЛОВ, Гофур АЛИЕВ, Тулғабой КАРИМОВ, Улғубек УЗОҚОВ, Уткир РАХМАТ, Комилжон МАМАЖОНОВ, Жуманайза ЖАББОРОВ, Хўбё ТЕМИРОВ (Бош муҳаррир ўринбосари), Руслан ҚОСИМОВ, Оянулла ЮНУСОВ, Шераод ФУЛОМОВ, Мухиддин АБДУСАМАТОВ (масъул котиб).	<b>ТЕЛЕФОНЛАР:</b> Қабулхона — 236-58-83, Котибхона — 233-95-17, Аграр масалалари бўлими — 236-56-25, Ижтимоий-сиёсий ва ҳуқуқий масалалар бўлими — 233-76-78, Мазъият ва маърифат бўлими — 236-56-21, Хатлар ва жамоатчилик билан алоқалар бўлими — 233-28-04, Факс — 233-44-43, 233-28-04, 233-09-93. <b>ХУДАДЛАРДАГИ МУХБИРЛАР:</b> Қорақалпоғистон Республикаси — 352-54-58; Андижон — 224-99-13; Бухоро — 593-27-57; Жиззах — 366-61-16; Навоий — 224-69-08; Наманган — 224-81-69; Самарқанд — 222-29-97; Сирдарё — 588-06-89; Тошкент — 100-29-61; Хоразм — 520-69-14; Қашқадарё — 221-59-40; Сурхондарё — 392-50-42.	<b>Реклама ва эълонлар</b> — 236-58-83, 233-28-04. Реклама ва эълонлар матни учун буюртмачи жавобгар. ①-тиксират мақола.	<b>МАНЗИЛИМИЗ:</b> 100000, Тошкент, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй E-mail: info@qishloqhayoti.uz	<b>Навбатчи:</b> А.НУРУЛЛАЕВ <b>Мусахҳас:</b> С.ҚОДИРОВ <b>Дизайнер:</b> О.М.ҲАЙЛОВСКИЙ
--	--	---	--	---	--	--